



Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Янгибозор шаҳарчаси тел. (0-362) 41-94-141, факс (0-362) 41-94-255
Ozbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200 Yangibozor shaharchasi tel. (0-362)41-94-141, faks (0-362) 41-94-255

2020 й.

№ 1283

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи
Халқобод маҳалласи ҳудудидан “Сирожбек
Дилноза Бону” фермер хўжалигига
“Чорвачилик комплекси” биноси қурилиши
учун доимий фойдаланишга ер майдони
ажратиш тўғрисида

Янгибозор туманида фаолият юритиб келаётган “Сирожбек Дилноза Бону” фермер хўжалигига, Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи Халқобод маҳалласи ҳудудидан “Чорвачилик комплекси” биноси қуриш учун доимий фойдаланишга ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризасини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 феврал №4602-сонли “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда 21.июл 2020 йил №1- сонли шартномасидан кўчирмасини, Янгибозор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг йиғилиш баёнига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунининг 6-, 10-, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Янгибозор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи Халқобод маҳалласида жойлашган “Сирожбек Дилноза Бону” фермер хўжалигига тегишли “Чорвачилик комплекси” ташкил қилиш учун Оёқдўрман қишлоғи Халқобод массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг №283 контурида жойлашган 0.8 гектар (8000.0 кв.м) ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш берилсин.
3. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га бош режа талаблари асосида қишлоқ-жойдаги қурилишларни назорат қилиб бориш ва туман солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев) га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифаси юклатилсин.

4. “Сирожбек Дилноза Бону” фермер хўжалиги раҳбари (ердан фойдаланувчи) зиммасига давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат хизматлари марказига белгиланган муддатларда мурожаат қилиш юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари в.в.б Н.Мадаминов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



[Handwritten signature]

Ў.Курбанов